

3/2023,  
may-iyun  
(№ 00065)



## ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

**Мардонов Баходир Бахронович**

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти «Рақамли иқтисодиёт»  
кафедраси докторанти, PhD доцент, [boxodir82@mail.ru](mailto:boxodir82@mail.ru)*

<https://orcid.org/0000-0001-6388-1384>

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol11\\_iss3/i40](https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss3/i40)

### **Аннотация**

Ушбу мақолада инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш йўллари, вазифалари келтирилган ва илмий жиҳатдан асослаб берилган. Шунингдек, мамлакатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни баҳолашда хизмат кўрсатиш соҳасидан фойдаланишнинг ноанъанавий усули аниқланган ҳамда ҳисоблаб берилган. Инновацион иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишини методолик ўрганиш учун диалектик ва тизимли ёндашув, унинг имкониятларини аниқлаш учун қиёсий ва солиштирма таҳлил, статистик ёндашув ҳамда гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди.

**Калит сўзлар:** инновация, инновацион иқтисодиёт, хизмат кўрсатиш соҳаси, бандлик, миллий иқтисодиёт, рақобат, постиндустриал жамият, талаб ва таклиф, бозор, иш ҳақи.

### **В УСЛОВИЯХ ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ ПУТИ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ**

**Мардонов Баходир Бахронович**

*Докторант кафедры «Цифровая экономика» Самаркандского института экономики и сервиса, PhD доцент.*

### **Аннотация**

В данной статье представлены и научно обоснованы пути и задачи развития сферы услуг в условиях формирования инновационной экономики. Также определен и рассчитан нетрадиционный метод использования сферы услуг в оценке экономического сотрудничества между странами. Для методического изучения развития сферы услуг в инновационной экономике применялся диалектико-системный подход, для определения ее потенциала использовались сравнительный и сравнительный анализ, статистический подход и методы группировки.

**Ключевые слова:** инновации, инновационная экономика, сфера услуг, занятость, национальная экономика, конкуренция, постиндустриальное общество, спрос и предложение, рынок, заработная плата.

### **IN THE CONDITIONS OF INNOVATIVE ECONOMY WAYS OF DEVELOPMENT SERVICE SECTOR**

**Mardonov Bakhodir Bahronovich**

*Doctoral student of the Department of Digital Economy of the Samarkand Institute of Economics and Service, PhD, docent.*

## **Abstract**

In this article presents and scientifically substantiates the ways and objectives of the development of the service sector in the conditions formation an innovative economy. An unconventional method of using the service sector in assessing economic cooperation between countries is also defined and calculated. To methodically study the development of the service sector in the innovation economy, dialectical-system approach was used to determine its potential, comparative and comparative analysis, statistical approach and grouping methods were used.

**Key words:** innovations, innovative economy, service sector, employment, national economy, competition, post-industrial society, supply and demand, market, wages.

## **Kirish (Introduction)**

Кишилик жамиятининг иқтисодий тараққиётида содир бўлган туб ўзгаришларнинг, янгича ёндашувларнинг моҳиятини ўзида акс эттирган инновация шунча йиллар давомида ўзининг аҳамиятини йўқотгани йўқ. Аксинча, унга эътибор янада кучайиб, биринчи даражали аҳамият касб этди. Айниқса, иқтисодиётнинг доимий ва тобора мураккаблашиб бораётган муаммосини ҳал этишда инновация жуда катта ижобий самара бермоқда ва ижтимоий муаммоларни ечишнинг етакчи омилига айланиб инновацион иқтисодиётни шакллантирди.

Бугунги кунда жаҳон ва миллий иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда иқтисодиётни инновацион ривожлантириш устувор аҳамият касб этмоқда. Иқтисодиёти жадал ривожланган Ғарб мамлакатларида ялпи ички маҳсулотнинг 70-90 фоизи айнан инновация фаолиятини ривожлантириш ҳисобига яратилаяпти[1]. Ўзбекистонда ҳам таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инновацион муҳитнинг яратилиши муҳим устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2020 йил 25 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга қилинган Мурожаатномасида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтаётганлигимиз тўғрисида тўхталиб, “... биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз” деб, таъкидладилар [2]. Иқтисодиётни юксалтиришда фан ва техника ютуқларидан унумли фойдаланиш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш, инновацион иқтисодиётни шакллантиришга қаратилган макроиқтисодий сиёсат ҳам меҳнат унумдорлигининг тез суръатлар билан ўсишига ва меҳнат бозорида эса ишчи кучига бўлган талаб кескин камайишига олиб келиши мумкин. Инновациялар билан боғлиқ тадқиқотларнинг кўрсатишича, уларнинг иқтисодиётга жорий этилиши меҳнат унумдорлигини оширади [3]. Инновацион иқтисодиётда ҳар бир бирлик ресурсдан унумли фойдаланилади. Жумладан, молиявий ресурс бўладими ёки айтайлик меҳнат ресурсларими улардан фойдаланиш самарадорлиги жуда юқори бўлади. Шунингдек, ҳар бир ресурслар учун сарф-харажатлар тежаллади. Демак, инновацион иқтисодиёт ишчи кучи талабига кескин таъсир қилади. Бу, ўз навбатида, хизмат кўрсатиш соҳаси олдида муҳим вазифаларни қўяди.

## **Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili (Literature review)**

Иқтисодчи олимлар томонидан инновацион иқтисодиётнинг афзалликлари ва унинг зиддиятлари тўғрисида турли мазмундаги фикр мулоҳазалари мавжуд. Масалан, К.Н. Юсупов, А.В.Янгиров, Р.Р.Ахунов, Ю.С.Токтамышевалар [4] инновацион иқтисодиёт ва меҳнат унумдорли ўртасидаги боғлиқликни илмий асарларида тадқиқ

этишган. Инновацион иқтисодиёт динамикли иқтисодиёт эканлигини И.В.Бойка[5] эътироф этган. Инновацион иқтисодиёт иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишни тақозо этишини ва хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожланишида муҳим ўрин тутишини О.С.Андреев[6] илмий тадқиқот ишда таҳлил қилган. Инновацион иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш соҳаси ўртасидаги боғлиқликни Р.Г.Маннапов[7] тадқиқ этган. Инновацион иқтисодиёт хизмат кўрсатиш соҳаси секторлар ўртасида алоқаларни айирбошлашда муҳим вазифаларни бажаришини М.Б.Щепакин ва В.М.Михайловлар[8] илмий ишларида муҳокама қилишган. Хизмат кўрсатиш соҳасида улгуржи савдо хизматларнинг аҳамиятини ва рақамли иқтисодиётни шакллантиришдаги муҳим вазифаларни бажаришини А.И.Миронов [9] эътироф этади. Д.Бурменко [10] юқорида олимлар томонидан билдирилган фикрлардан фарқли равишда инновацион иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорликни ривожлантиради, деб ҳисоблайди. А.Юданов [11] эса хизмат кўрсатиш соҳаси миллий иқтисодиётда инновацион жараёнларни кучайтиришда муҳим вазифаларни бажаришни тушунтириб берган. В.П.Леонова [12] эса инновацион иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳаси инсон капиталини ривожлантиради, ижтимоий ва демографик муаммоларни ҳал этишда муҳим вазифаларни бажаради, деб таъкидлайди. Иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг инновацион иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш соҳаси ўртасида кучли боғлиқлик мавжудлиги борасидаги фикрларни яна кўп давом эттириш мумкин. Аммо жамият тараққиёти бугунги кунда ҳар бир табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни, инсон манфаатлари таъминланишини, шунингдек, инсон қадрини оширишни назарда тутаяди. Бундай вазифаларни бажаришда хизмат кўрсатиш соҳаси муҳим аҳамият касб этади.

#### **Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology)**

Инновацион иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш йўллари методологик ўрганиш, соҳани таснифлаш бўйича диалектик ва тизимли ёндашув, унинг имкониятларини аниқлаш учун қиёсий ва солиштирма таҳлил, статистик ёндашув ҳамда гуруҳлаш усулларида кенг фойдаланилди ва шулар асосида хулосалар қилинди. Тадқиқотнинг ишончлилигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги ва Бутунжаҳон статистика ташкилоти маълумотларидан фойдаланилди.

#### **Tahlil va natijalar (Analysis and results)**

Ўзбекистон қимматбаҳо ва нодир ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги миллий иқтисодиёт устун ривожланган Ғарб мамлакатларига нисбатан сезиларли даражада паст. Буни иқтисодиётда илм-фан ютуқларидан кам фойдаланилаётганлиги билан изохлаш мумкин. Ўзбекистонда 2005 йилдан инновацион иқтисодиётни шакллантириш бошланган[13]. Айнан ушбу йили Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш суръатлари барқарор даражага эришган. Ўзбекистонда инновациялар алоҳида корхоналар (фирмалар) ва бутун мамлакат иқтисодиётини суръатли ривожлантиришнинг ва жаҳон рейтингда пешқадамликка эришишнинг асосий шарти ҳисобланади. Шу сабабли инновациялар, уларни ишлаб чиқариш ва амалиётга жорий этиш фаолиятини жадаллаштириш Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар сафидан муносиб ўрин олишга мўлжалланган стратегияни ҳаётга тадбиқ этишнинг ишончли воситаси ҳисобланади. Бироқ, мамлакатда узоқ йиллар ҳукмронлик қилиб келган протекционизм сиёсати иқтисодчи олимларни ва соҳа мутахассисларини инновацион фаолият билан эркин шуғулланиш имконини бермади. Бу, ўз навбатида, маҳаллий корхоналарнинг инновацион фаоллигига ва жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигига катта салбий таъсир кўрсатди. Шу сабабли Ўзбекистонда

инновацион омилларнинг иқтисодий ўсиш ва тараққиётни таъминлашда етакчилик роли тўғрисида гапириш учун етарли асослар йўқ. Шунинг учун миллий иқтисодиётда ЯИМ таркибида инновацион товарлар ва хизматлар улуши ҳамон пастлигича қолмоқда. Протекционизм сиёсатининг салбий таъсири оқибатида табиий ва меҳнат ресурсларига бой Ўзбекистон аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми бўйича ўзига муносиб ўрин эгаллаш имконига эга бўлмапти. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики, инновацион иқтисодиётни ривожланишида илм–фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш натижасида иқтисодиётнинг баъзи соҳаларида банд бўлган аҳоли қисқаради ва ишсизлар сони ортади. Шунингдек, инновацион иқтисодиётни шакллантириш инсон омили билан боғлиқ бўлганлиги учун узоқ муддатни талаб этади. Инновацион ғояларни яратувчи уларни амалга оширувчи омил бу ишчи кучидир (инсон ресурслари). Инновацион иқтисодиётда сарфланган молиявий ресурслар қайтими қисқа муддатда амалга ошмайди. У узоқ вақтни талаб этади. Масалан, кишини баркамол ва комил инсон қилиб вояга етказиш учун камида 25 йил талаб этилади ҳамда бизнинг ҳисоб–китобимиз бўйича, қарийб бир миллиард сўм миқдорда маблағ сарфланади. Анашу маблағларнинг қайтими узоқ муддат давомида амалга ошади. Бозор иқтисодиёти нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, иқтисодий ресурсларга сарфланган капиталнинг қайтими узоқ муддатга чўзилиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бозордаги конъюктуранинг тез-тез ўзгариши узоқ муддатда мўлжалланган режалар учун салбий таъсир этади. Шу сабабли инновацион иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасининг вазифаларини такомиллаштириш лозим.

Бизнинг назаримизда эса инновацион иқтисодиётни шакллантириш зарурияти қўйидаги икки муҳим жиҳатда намоён бўлади:

Биринчиси, постиндустриал жамиятда иқтисодий ривожланиш сифат жиҳатдан янги хусусиятларга эга бўлади. Иқтисодий ўсиш, диди баланд истеъмолчи диққат эътиборини ўзига тортадиган сифатли товар ва хизматлар ишлаб чиқариш, миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш, янги бозорларни забт этиш, рақобатбардошликни ошириш, янги махсулот ишлаб чиқариш каби муаммолар ечимлари авваламбор инновация ва инновацион фаолият билан чамбарчас боғлиқ. Инновациялар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг умуман олганда иқтисодиётнинг барча тармоқларида асосий омил сифатида иштирок этади. Шунингдек, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар тезлигини оширади. Инновацион фаолият асосий фаолият мақомига даъвогарлик қилади ва корхоналарнинг стратегик ривожланишида муҳим ўрин эгаллайди;

Иккинчиси, табиий ресурслар чекланган шароитда аҳолининг узлуксиз ўсиб бораётган чексиз эhtiёжини қондириш, иқтисодиётнинг долзарб муаммоси ҳисобланади. Айнан ушбу муаммонинг ечими ва ундан қутилишнинг ягона йўли иқтисодиётни инновацион тарзда ривожлантиришдир.

Юқорида қайд этилганидек инновацион иқтисодиётда меҳнат бозорида аҳвол мураккаблашиши мумкин. Ушбу ҳолатлар бандликнинг ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган ҳамда меҳнат бозорида келажакда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этишга молик бўлган моделларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бизнинг назаримизда ушбу моделда меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш имконини бериши масалаларига асосий эътибор қаратмоғи лозим. Шунингдек, бундай моделнинг заминиде аҳоли бандлигини таъминлашда хизматлар соҳасининг ролини кескин ошириш ғояси ётиши ва ушбу модел бандликнинг постиндустриал жамият модели деб номланиши лозим. Бунда биринчидан, иқтисодиёт тармоқларида самарали меҳнат ташкил этиш ва аҳоли бандлиги

мувозанатли таъминланса, иккинчидан иқтисодиётнинг қайсидир соҳаларида аҳолини иш билан таъминлаш имкониятлари мавжудлигини кўрсатиб беради. Демакки, инновацион иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини ошириш каби муҳим вазифаларни бажаради. Умуман олганда у яна қуйидаги вазифаларни ҳам бажариши лозим:

**Биринчиси**, инсон қадрини оширишда хизмат кўрсатиш соҳасидан фойдаланиш вазифаси. Иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланиш даражасига, кишиларга кўрсатилаётган хизматларнинг сифатига қараб инсон қадрини баҳолаш мумкин.

**Иккинчиси**, постиндустриал жамиятни шакллантириш вазифаси. Постиндустриал жамиятда инсоният тараққиётининг асосини хизмат кўрсатиш соҳаси ташкил этади. Ўз-ўзидан аёнки, бундай жамиятда хизмат кўрсатиш соҳаси миллий иқтисодиётда, умуман, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда муҳим аҳамиятга эга бўлган, биринчи даражали сектор сифатида қаралади.

**Учинчидан**, аҳоли бандлигини таъминлашнинг янги шакллари ташкил этиш вазифаси. Хориж мамлакатлари тажрибаси ушбу масалада ижобий натижаларга эришган. Масалан, Жанубий Кореянинг “Арбайт Самушил” (Кунлик иш берувчи марказ), АҚШда махсус вебсайтлардан фойдаланиш йўлга қўйилган. Масалан, барча йўналишлар бўйича “Indeed”, соатбай ишлар бўйича “Snagajob”, маҳаллий иш жойлари учун “Craigslis”, мавсумий ишлар бўйича “CoolWorks”, масофавий ишлар учун “FlexJobs”, талабалар иш топиш учун “CollegeGrad” каби веб сайтлар жорий қилинган. Германияда аҳолига кунлик иш билан таъминлаш хизматларини ташкил этиш учун бандлик агентликлари ташкил этилган (Agentur für arbeit). Ўзбекистонда иш берувчилардан ва ишсизлардан ўтказилган социологик сўровларда аҳолини иш билан таъминлашнинг ноанъанавий кўринишларини жумладан, бир марталик иш, соатбай иш ва кунлик иш билан таъминлаш мақсадга мувофиқ эканлигини билдиришган.

**Тўртинчидан**, камбағалликни тугатишда хизмат кўрсатиш соҳаси имкониятларидан унумли фойдаланиш вазифаси. Бирлашган миллатлар ташкилотининг 2030 йилга мўлжаллаган тараққиёт дастурида хизмат кўрсатиш соҳаси қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва камбағалликни барҳам беришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган. Шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳисоб-китобларига кўра, хизмат кўрсатиш соҳасининг 1 фоизга ўсиши камбағаллик даражасини 1,5 фоизга камайтиради [15]. Мамлакатда камбағалликка барҳам бериш учун хизмат кўрсатиш соҳасининг асосий турлари, жумладан таълим, соғлиқни сақлаш каби хизматлар етарли даражада ривожланган бўлиши ҳам даркор. Бу ҳақда “Камбағалликни баҳолаш ва уни камайтириш йўллари” номли илмий-услубий тавсияда ҳам шундай фикрлар билдирилган: “.....камбағалликни аниқлашда хизматларнинг ривожланиш даражасига ва ундан аҳоли фойдаланишига ҳам қаралади” [16].

**Бешинчиси**, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг вазифаси. Президент Ш.Мирзиёев вилоятлардаги ташрифларида ҳудудларнинг иқтисодий, меҳнат ва табиий салоҳиятдан яхши фойдаланилмаётганлиги, уларларнинг келгуси тараққиётини аниқлашга етарли эътибор берилмаётганлиги қайд этилмоқда. Тадқиқотлар ҳудудларда ижтимоий соҳа объектлари, савдо, банк ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари етарли даражада таъминланмаганлигини аниқлади. Масалан, Самарқанд вилоятининг Жомбой тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли бўлган Оилавий шифокорлар пунктлари (ОШП) ўрганиб чиқилганда олий маълумотли шифокорларга эhtiёж борлиги аниқланди (2-

жадвал). 2-жадвал маълумотлари “Ногоҳон” ОШПнинг атиги 2 нафар олий маълумотли шифокорлари 2 та маҳалланинг 9066 нафар аҳолисига, “Зарафшон” ОШПнинг 3 нафар олий маълумотли шифокорлари эса 3 та маҳалланинг 10653 нафар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиб келаётганини кўрсатяпти. Худди шундай ҳолатлар вилоятларнинг барча ҳудудларида ҳам учрайди.

**2-жадвал**

**2020 йилда Жомбой туманида аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш ҳолати\***

№	ОШП	Олий маълумотли ходимлар сони, (киши)	Ўрта маълумотли ходимлар сони, (киши)	Тиббий хизмат кўрсатилаётган маҳалла ва аҳоли сони	
				маҳалла (та)	аҳоли (киши)
1	Ногоҳон	2	14	2	9066
2	Наймантепа	2	20	3	8935
3	Оқ-олтин	1	18	2	7671
4	Зарафшон	3	25	3	10653
5	Сариқипчоқ	1	17	1	3583
6	Й.Охунбобоев	2	16	3	7720
7	А.Курбонов	3	21	3	8364

*\*Манба. Жомбой туман тиббиёт бирлашмаси маълумотлари асосида тузилди.*

Ваҳоланки, қишлоқ жойларда ҳар 2000 кишига бир нафар олий маълумотли шифокор хизмат кўрсатиши белгиланган [17]. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда жумладан, Францияда ҳар 1000 кишига 3 нафар олий маълумотли шифокор тўғри келади [18]. Шу нуқтаи назардан қаралганда Жомбой туманидаги ОШП ларида олий маълумотли шифокорларга эhtiёж бор. Шунингдек, ҳудудларда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш, жумладан, қишлоқ аҳолиси турмуш даражаси ва сифатини оширишдек долзарб муаммо мавжуд. Ўзбекистонда жами аҳолининг қарийб 50,0 фоизи қишлоқ жойларда истиқомат қилади [19]. Маълумотларга қараганда жаҳондаги жами қашшоқ аҳолининг 70 фоизи ҳам айнан қишлоқ жойларда яшовчи аҳолидир [20]. Ўзбекистонда ҳам камбағал оилалар сонининг аксарияти бизнинг тахминий ҳисобимиз бўйича 60 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларига тўғри келади. Ушбу долзарб муаммонинг ечими иқтисодиётнинг асосий соҳаси ва ҳозирда мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантиришнинг «драйвери»га айланган хизмат кўрсатиш соҳаси ҳал этиши мумкин. Демак, ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш бугуни кунда долзарб вазифа ҳисобланади.

**Олтинчиси,** постиндустриал жамиятда мамлакат миллий иқтисодиётининг юксалишини, унинг яқин ва узоқ келажакдаги истиқболларини ҳалқаро иқтисодий ҳамкорликсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳалқаро иқтисодий ҳамкорликнинг олий шакли бу жаҳон хўжалигидаги интеграция алоқаларидир. Иқтисодий интеграция учинчи секторнинг етакчи тармоқларида чуқур ва барқарор кооперация алоқаларини шакллантиради, мамлакатлараро иқтисодий ҳамкорликнинг турли шакллари ривожлантиришни билдиради. Мамлакатлараро иқтисодий интеграция ғоят мураккаб жараён бўлганидан унга хос ҳодисаларни ҳисобга олган ҳолда уни баҳолаш мумкин. Бироқ бизлар ушбу масалага ноанъанавий шаклда ёндашишни лозим топдик. Бунинг

учун Ньютоннинг тўртинчи “Бутун олам тортишиш қонуни” формуласидан фойдаланишни тавсия этамиз:

$$F = G \frac{M_1 * M_2}{R^2} \quad (1)$$

Бу ерда: F-мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий интеграция алоқаларининг кучи;

M<sub>1</sub>– биринчи мамлакатнинг ялпи хизматлар ҳажми;

M<sub>2</sub>– иккинчи мамлакатнинг ялпи хизматлар ҳажми;

R<sup>2</sup>– икки мамлакат ўртасидаги масофа;

G – мамлакатлардаги ялпи хизматлар фарқи, коэффициентда;

G- коэффициентини икки мамлакат ялпи хизматлар ўртасидаги фарқ орқали тузиб чиқамиз. Агарда мамлакатлар ўртасидаги ялпи хизматлар 50,0 млрд АҚШ долларигача фарқ қиладиган бўлса, коэффициент 1 деб қабул қиламиз. Ялпи хизматлар ҳажми икки мамлакатлар ўртасида 50,0 млрд АҚШ долларидан зиёд бўлиб, 200,0 млрд АҚШ доллари атрофида бўлса у ҳолда коэффициент 1/2 деб қабул қиламиз. Худди шундай тарзда коэффициентлар жадвалини тузиб чиқамиз (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### “G” –коэффициенти\*

G	Мамлакатлардаги ялпи хизматлар ўртасидаги фарқи, млрд, АҚШ долл.
1/1	50,0 гача
1/2	50,0 дан то 200,0
1/3	200,0 дан то 350,0
1/4	350,0 дан то 500,0
1/5	500,0 дан то 650,0
1/6	650,0 дан то 800,0
1/7	800,0 дан то 950,0
1/8	950,0 дан то 1100,0
1/9	1100,0дан 1250,0
1/10	1250,0 дан юқори

\*Манба: Муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди.

Бу ерда «F» иқтисодий интеграция алоқалар кучи қанчалик катта бўлса, икки мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик кучли эканлигидан далолат беради. Агарда, аксинча бўлса, икки мамлакат ўртасидаги алоқа кучсизлигини англатади.

Ушбу формула ёрдамида Ўзбекистон Республикасини дунё мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлигини ҳисобладик ва қуйидаги натижаларни олдик.

4-жадвалда Ўзбекистонни дунё мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлиги келтирилган. Унда 2020 йилда Ўзбекистон жадвалда келтирилган мамлакатлар орасида Қозоғистон Республикаси билан иқтисодий ҳамкорлиги қолган мамлакатларга қараганда кучли эканлиги кўрсатилган. Чунки 2020 йилда улар орасидаги иқтисодий интеграция кучи қолган мамлакатларга қараганда катта. Яъни 5023732,0 АҚШ долларини ташкил этган. 2020 йилда Ўзбекистоннинг Россия Федерацияси билан иқтисодий ҳамкорлиги 633306,2 АҚШ долларини, Хитой Халқ Республикаси билан эса 1995826,9 АҚШ долларни ташкил этган. Ўзбекистон дунё мамлакатлари билан ўрнатилган иқтисодий алоқаларини ҳамкорлик натижаларига қараб баҳо бериш мумкин.

### 4-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг дунё мамлакатлари билан иқтисодий интеграцияси\***

№	Ҳамкор мамлакатлар	Интеграция кучи, АҚШ долл		
		Йиллар		
		2010	2015	2020
1	Россия Федерацияси	412037,0	530272,9	633306,2
2	Хитой	521215,5	1222709,4	1995826,9
3	Ҳиндистон	1072363,9	1680436,1	2103034,0
4	Германия	228206,3	346034,6	413682,2
5	Франция	142350,8	208097,1	239508,7
6	Туркия	284620,2	413719,9	454717,8
7	Қозоғистон	2050925,6	4141423,2	5023732,0
8	Тожикистон	755375,7	1250404,6	1839075,1
9	Туркменистон	217231,4	646602,5	1096251,6

*\*Манба: Муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди.*

Демак 4-жадвал маълумотларига қараб, 2020 йилда Ўзбекистонни Қозоғистон Республикаси билан иқтисодий ҳамкорлигини Ҳиндистон ва Хитой Халқ Республикасига қараганда биринчи ўринга қўйиш мумкин. Кейинги ўринларга эса Ҳиндистон ва Хитой Халқ Республикаси туради. Шу тариқа Ўзбекистонни қолган мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлигини баҳолаб чиқиш мумкин.

**Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations)**

Умуман олганда инновацион иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳаси миллий иқтисодиётни мувозанатли ривожлантиришда, барча иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланишда катта рол ўйнайди. Шунингдек, инсон қадрини оширишда, постиндустриал жамиятни шакллантиришда, камбағаликка барҳам беришда, мамлакатлар ўртасида иқтисодий интеграцияни кучайтиришда ва уларни баҳолашда, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, аҳоли бандлигини таъминлашнинг янги шакллари ташкил этишда муҳим вазифаларни бажаради, деган хулосага келинди. Мамлакатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни баҳолашда хизмат кўрсатиш соҳасидан фойдаланишнинг ноанъанавий усули кўрсатиб берилди. Уни аниқлашда “Бутун олам тортишиш қонуни”дан фойдаланиш тавсия этилади.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati**

1. <https://theworldonly.org>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – Т.: “Шарқ” нашриёти, 2020 йил 25 январь, №19 (7521), 2-4 бетлар.
3. Юсупов К.Н., Янгиров А.В., Ахунов Р.Р., Токтамышева Ю.С. Качество инвестиции как фактор повышения воспроизводственного потенциала и конкурентоспособности региона // изв. Саратов. Ун-та. Нов. Сер. Сер. Экономика. Управление. Право. 2015. Т.15, вып.1. С.19-28.
4. Юсупов К.Н., Янгиров А.В., Ахунов Р.Р., Токтамышева Ю.С. Качество инвестиции как фактор повышения воспроизводственного потенциала и

конкурентоспособности региона // изв. Саратов. Ун-та. Нов. Сер. Сер. Экономика. Управление. Право. 2015. Т.15, вып.1. С.19-28.

5. Бойко И.В. Основы инновационного развития и новой экономики. – СПб: Университет ИТМО, 2015. – 120 с.

6. Андреев О.С. развитие инновационной экономики на основе трансформации наукоемкого сектора 08.00.08 – Экономика и управление народным хозяйством (управление инновациями) Диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук Самара 2021 г.- С.27.

7. Маннапов Р.Г. Организационные аспекты инновационного развития сферы услуг региона // Инновационная деятельность. 2012. № 19. С. 83–88.

8. Щепакин М.Б., Михайлов В.М. Сфера услуг как экономическая категория и вид экономической деятельности. // Journal of economics, entrepreneurship and Law. №1.2020.- С.73-75

9. Миронов А.И. Роль и значение оптовой торговли в сфере услуг в условиях цифровой экономики. Развитие сферы услуг: стратегии, инновации, компетенции: Материалы Всероссийской научно-практической конф., Н. Новгород, 26 марта 2019 г. – Нижний Новгород: Изд-во ННГУ, 2019. – С.189.

10. Бурменко Т.Д. Сфера услуг: экономика, менеджмент, маркетинг. Практикум: учебное пособие/. -М.: КНОРУС, 2016.-422 с.

11. Юданов А. Что такое инновационная фирма? // Вопросы экономики. 2012. № 7. С. 30–46.

12. Леонова В.П. Структурные реформы в сфере услуг и их воздействие на развитие и использование трудовых ресурсов. Специальность 08.00.05.- Экономика и управление народным хозяйством. Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. Санкт-Петербург 2006.

13. Мамлакатимизда 2005 йилдан бошлаб иқтисодийни модернизациялаш стратегияси қабул қилиниши муносабати билан асосий макроиқтисодий индикаторларнинг ўсиш суръатлари барқарор кўринишга (7-9 фоиз) эга бўлди.

14. Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. Статистик тўплам. Т.: -2021 й. Б.40.

15. <https://мулоҳаза.уз/хабар/сфера-услуг-в-приоритетах-посстановления> (мурожаат қилинган сана:16.03.2021 йил).

16. Пардаев М.Қ. Пардаев О.М. Камбағалликни баҳолаш ва уни камайтириш йўллари. Илмий-услубий тавсия. Самарқанд: СамИСИ.- 2020. -68 бет. Б.6.

17. Временные штатные нормативы медицинского персонала учреждений первичной медико-санитарной помощи сельских районов. Утвержденно Министер здравоохранения Республики Узбекистан. 24.07.2017 г. №06-3/448,0. 8-10 стр.

18. Орлов А. Медпрактикум. Свободная медицина свободной Франции. Деловой партнер.uz // №15(991) 11-17 апрель 2013 г., -21 с.

19. Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплам. Т.: 2020 й. – Б. 36.

20. [https://www.eurekalert.org/pub\\_releases/2019-03/ifpr-2gf032219.php](https://www.eurekalert.org/pub_releases/2019-03/ifpr-2gf032219.php) (мурожаат қилинган сана: 20.11. 2020 йил)